

Коронавирусга суғуртаси бўлмаган зиёратчилар Саудияга киритилмайди



08:00 / 08.05.2021 1354

Заёратчилар Ҳаж сафарига коронавирусни даволашни ўз ичига олган тиббий суғуртаси бўлган тақдирда қатнашишлари мумкин, деб хабар беради mynamaz.ru нашри. Saudi Gazette ёзишича, тегишли қарор қироллик маъмурлари томонидан қабул қилинган.

Коронавирусни тўғридан-тўғри даволаш билан бир қаторда, суғурта қилинган киши касал бўлиб қолса, карантинга ўтилиши, шунингдек, фавқулодда ҳолатларда уни уйига етказишни ҳам қамраб олиши керак.

Бу йил Макка ва Мадинада Ислонинг муқаддас жойларига Ҳаж зиёрати июль ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Кичик Ҳаж зиёрати эса йилнинг исталган вақтида бажарилиши мумкин.

Сўнги маълумотларга кўра, Саудия Арабистонида коронавирус инфекциясининг 420,3 минг ҳолати аниқланган, 6,9 мингдан ортиқ одам вафот этган.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи